

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЗИМОВА ФАТИМА ВАХИДОВНА

**МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ АСОСИДА
АЛОПЕЦИЯНИНГ ЧАНДИҚСИЗ ШАКЛЛАРИ ТАШХИСИ ВА
ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Азимова Фатима Вахидовна

Молекуляр-генетик омилларни аниқлаш асосида алопециянинг чандиксиз шакллари ташхиси ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш 3

Азимова Фатима Вахидовна

Разработка новых методов диагностики и терапии нерубцовых форм алопеций на основе изучения молекулярно-генетических факторов 26

Azimova Fatima Vakhidovna

Development of new methods of diagnostics and therapy of non-scarring forms of alopecia on the basis of the study of molecular-genetic factors..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 58
List of published works 58

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЗИМОВА ФАТИМА ВАХИДОВНА

**МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ОМИЛЛАРНИ АНИҚЛАШ АСОСИДА
АЛОПЕЦИЯНИНГ ЧАНДИҚСИЗ ШАКЛЛАРИ ТАШХИСИ ВА
ДАВОЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.DSc/Tib263 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Сабиров Улуғбек Юсупхонович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Арифов Саидқасым Саидазимович тиббиёт фанлари доктори, профессор Маннанов Абдушукур Маликович тиббиёт фанлари доктори Гильдиева Маргарита Сабировна биология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	«Остона тиббиёт университети» Акциядорлик жамияти (Қозоғистон)

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__»соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел/факс: (+99871)262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. В.Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида замонавий дерматокосметологияда бошнинг сочли қисми териси касалликлари сонисочларнинг тўкилиши – алопециянинг чандиқсиз шакллари ҳисобига ортиб бормоқда. Соч касалликларининг 80% идан ортиғи сочлар нобуд бўлиши билан кечади ва ушбу патология 50 ёшгача бўлган шахслар орасида 30–40% ни ташкил қилади. Алопециянинг кўп учрайдиган майда ўчоғли шаклларида 5–10% ҳолатда бош терисида сочларнинг тўлик йўқотилиши, 1–2% ҳолатда эса бош ва танада сочларнинг тўлик тўкилиши кузатилади.

Жаҳон миқёсида дерматокосметология касалликлари, жумладан, алопеция косметик нуқсон сифатида ҳаёт сифатини пасайтирадиган, психоэмоционал ноқулайликка олиб келадиган ижтимоий муаммодан бирига айланди. Алопеция мультифакторли касаллик бўлиб, айниқса, навқирон ёшларда намоён бўлиши, турли шаклларда учраши, ташхислаш ва патогенетик асосланган даволаш усулларининг йўқлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, алопециянинг чандиқсиз шакллари ривожланишида хужайра мембраналари рецепторларида ингибиторлар экспрессияси жараёнлари, хужайралар пролиферацияси, апоптози, функционал фаоллигининг ўзгаришига ташқи муҳит омилларининг таъсир механизмини, турли ўсиш омилларини бошқарувчи генлар полиморфизмини аниқлаш ва ташхислаш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикамызда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича аниқ мақсадли кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичлари пасайишини ва умр узайишини таъминлаш» вазибалари белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, тери-таносил касалликлари, жумладан, алопециянинг турли шакллари ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қаратилган инновацион технологияларни қўллашни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ–4947-сон Қарори билан тасдиқланган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика

фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Молекуляр-генетик омилларни аниқлаш асосида алопециянинг чандиксиз шакллари ташхиси ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of California-Irvine, University of California-San Francisco, University of Oklahoma, University of Colorado Denver (АҚШ), University of Oldenburg (Германия), Universitari General de Catalunya, Universitari Barcelona (Испания), University of Genoa, University of Bologna, (Италия), University of Bern (Швейцария), Leiden University The Netherlands (Нидерландия), Cayetano Heredia University (Перу), Gaziosmanpasha University, Selcuk University (Туркия), Vrije Universiteit (Brussel, Белгия), Mahidol University (Таиланд) ва Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда алопециянинг чандиксиз шакллари молекуляр-генетик омилларини аниқлаш асосида ташхислаш, даволаш ва олдини олишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: аҳолининг турли қатламлари орасида алопециянинг турлари, учраши ва келиб чиқиш сабаблари асослаб берилган (University of Colorado, University of Florida, University of California, АҚШ); генлар полиморфизми асосида алопециялар клиник кечиш жараёнининг янги генетик маркерлари аниқланган (Department of Internal Medicine, Taiwan; University of Medical Sciences, Эрон; Instituto de Biomedicina de Sevilla, Испания); аллопециянинг кимёвий воситалар таъсирида келиб чиқиши ва ривожланиши исботланган (University of California-Irvine, АҚШ); фронтал алопециянинг ривожланишида андроген гормонлари микдорининг етишмаслиги исботланган (Universitari General de Catalunya, Испания); Gsdma3 (C+/ H-) терминал генлари аллопеция ривожланишида аниқланган (University of Oldenburg, Германия; University of Bern, Швейцария); Пиккарди-Лассеуэр-Грэм-Литт синдромининг ёнбош алопеция ривожланишида учраши исботланган (Universitari Sagrat Cor-Barcelona, Испания).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида алопециянинг чандиксиз шаклларининг молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: бошнинг сочли қисмида алопециянинг чандиксиз шакллари ривожланиши жараёни ташхисининг объектив мезонларини ишлаб чиқиш; фибробластлар ўсиши омили ва апоптоз омилининг алопеция жараёнига таъсирини аниқлаш; ўсиш омилларини бошқарувчи генларни аниқлаш; алопециянинг турли шаклларида бош терисининг клиник-морфологик ўзгаришларини аниқлаш; чандиксиз

алопециянинг турли шаклларида патогенетик асосланган даволаш усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алопециянинг чандиқсиз шаклларида ривожланишида генетик омиллар, ўсиш омиллари ва апоптоз омилларга катта аҳамият қаратилади. Чунончи, Wengraf D.A, McDonagh A.J, Lovewell T.Рўчоқли алопеция соч тўкилиши ва 21q 22.3 (AIRE) генидаги ягона нуклеотид полиморфизми (SNP) ўртасидаги уйғунликни аниқлашган. Натижалар кўрсатдики, 21q 22.3 ўчоқли алопецияда ривожланаётган соч тўкилиши генетик хавфининг потенциал таркибий бош компонентиدير.

Америкалик олимларнинг кўп тармоқли тадқиқотларида аниқланишича, андрогенлар рецептори генидаги (AR) генетик ўзгарувчанлик 0,46 этиологик улушли андрен алопециянинг эрта бошланиши учун дастлабки шарт-шароит ҳисобланади. Кўпсонли генетик вариантларнинг тадқиқоти AP (андроген рецептор ген)ни қамраб олади ва GGN кодлашнинг локус полиглицини экзон 1 да қайтарилишини ҳамда функционал ўзгаришларга жавобгарлигини назарда тутди. Андроген рецептор генининг X-хромосомалари андроген алопециянинг насл суришида оналик томони аҳамиятли эканлигини таъкидлайди. S.Redler, F.F.Brockschmidt 2009 йилда TRAF1/C5 ген полиморфизмини (1-омил рецептори билан боғлиқ бўлган ўсимта некрози, кўшимча компонент 5) ҳамда ўчоқли алопецияли беморларда rs2416808 маркернинг касаллик бошланиши ва ривожланиши билан ассоциациясини аниқлашди. Генетик тадқиқотларнинг натижалари ўчоқли алопециянинг аутоиммун кечишида TRAF1/C5 генининг муқаррар иштирокини исботлади.

Инсоннинг илдиз хужайралари институти (Москва, Россия) олимлари А.И.Зорина, В.Л.Зорин бугунги кунда мавжуд бўлган PRPнинг турли шаклдаги алопецияларни даволашдаги самарадорлиги бўйича тадқиқотлар ўтказишди, ижобий самара 70% ҳолда кузатилган ва 6–8 ой давомида сақланиб турган.

Е.Д.Нефедова томонидан касалликнинг оғир кечишининг IL1B гени 31C>T–511C>T полиморфизмлари билан, енгил кечишининг IL1A гени +889C>T полиморфизмлари билан ва IL1RN гени 2-2 генотиби билан ассоциацияси аниқланган. Олинган маълумотлар асосида ўчоқли алопецияга чалинган беморларни текшириш ўтказишнинг алгоритми ишлаб чиқилган, у касаллик кечишини башоратлаш ва беморларни парваришлаш усуллари аниқлаш имконини беради.

R.Hoffmann интерлейкин-1га тегишли бўлган адабиётлар маълумотларини ўрганиб, бу муаммо билан шуғулланган бошқа тадқиқотчилар каби интерлейкин-1 сочлар ўсиши циклига жиддий таъсир кўрсатади ва сочлар тўкилишини юзага келтириши мумкин, дея тахмин қилган. U.Blume-Reytavi цитокинлар муаммосини ёритиб, дермал ғуддача соч ўсишида асосий бошқариш вазифасини, хусусан, хужайралараро модда хужайраларнинг пролиферация ва дифференциялашувида соч толасини келгусида тиклаш билан бошқариш вазифасини бажаради, деб ҳисоблаган. J.Barth инсулиннинг ко-гормон сифатидаги ўрнига, унинг жигар хужайралари

томонидан секс-стероид боғловчи глобулинни ишлаб чиқилишига модулловчи, шунингдек, унинг сочлар ўсишини бевосита рағбатлантиришига эътибор қаратган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий ишлари режасига мувофиқ АДСС 20.4 «Соч фолликулининг цикли регуляциясининг молекуляр-генетик омилларини ўрганиш асосида алопециянинг чандиксиз шакллари ташхиси ва терапиясининг янги молекуляр услубларни ишлаб чиқиш» (2012–2014 йй.) ва АДСС 15.19.1 «Фибробластлар регуляциясини молекуляр-генетик факторлар асосида коллаген ўзгариши билан кечувчи дерматозларни янги прогнозлаш ва дифференциал даволаш усуллари ишлаб чиқиш» (2015–2017йй.) мавзусидаги лойиҳалари асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсад чандиксиз алопеция шакллариининг молекуляр-генетик омилларини аниқлаш ва патогенетик асосланган даволаш усуллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бошнинг сочли қисмида видеотрихоскопия усулида алопеция чандиксиз шакллариининг клиник кечишини аниқлаш ва ташхислаш мезонларини ишлаб чиқиш;

чандиксиз алопецияларда соч фолликулларининг анаген ва телоген жараёнига тромбоцитлар ўсиши омили (PDGF), фибробластлар ўсиши омили (FGF) ва апоптоз омили (FasL) таъсирларини аниқлаш;

эндотелиал ўсиш омили ва апоптоз омилининг бошқарувчи генлари полиморфизмини аниқлаш (VEGF и TNF- α);

чандиксиз алопецияларда тирозинкиназа фаолликка эга хужайра мембранаси рецепторлари (ERBB) ва матриксли металлопротеиназа ингибиторлари экспрессиясини (TIMP1) хужайранинги фосфорилизация жараёнилари ва боғловчи тўқиманинги хужайрадан ташқари матрикси деградациясининг маркерлари сифатида баҳолаш;

алопециянинг чандиксиз шакллари бор пациентлар тери биоптатининг морфологик ҳолатини аниқлаш;

чандиксиз алопеция шакллариининг патогенетик асосланган даволаш усулини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида чандиксиз алопециянинг турли шаклларига чалинган 316 нафар бемор ва 35 нафар амалий соғлом шахслар олинди. Тажриба тадқиқотлари учун 15 та қуён олинди.

Тадқиқотнинг предмети биокимиёвий ва иммуногенетик тадқиқотлар учун беморлар вена қони ва зардоби, морфологик тадқиқотлар учун тери биоптатлари ташкил қилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, биокимиёвий, иммунологик, морфологик, молекуляр-генетик, инструментал ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек популяциясида алопециянинг чандиксиз шаклларида ўсиш омиллари ва апоптоз омили миқдори ҳамда уларни бошқарувчи генларнинг полиморфизми аниқланган;

алопециянинг чандиксиз шаклларида ўсиши ва апоптоз омилларининг белгилари ген полиморфизмлари билан (VEGF и TNF- α) ўзаро боғлиқликларни аниқлаш орқали исботланган;

соч фолликуласи ҳужайралари фаоллиги улар мембранасида тирозинкиназага хос рецепторлар пайдо бўлиши билан боғлиқлиги;

илк бор алопециянинг чандиксиз шаклларида соч фолликуласи молекуласи ҳужайралараро матрикси (TIMP1) маркерлари аниқланган;

илк бор ўзбек популяциясида видеотрихоскопик усул билан алопециянинг чандиксиз шакллари ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

илк бор чандиксиз алопециянинг янги, патогенетик асосланган ва самарали даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

алопециянинг чандиксиз шакллари аниқ ташхислаш мақсадида видеотрихоскопия усулини қўллаш нафақат патологик ҳолатнинг аниқ шакли, балки соч фолликулларининг ҳолатини ҳам аниқлаши билан гистологик тадқиқотлардан қолишмаслиги исботланган;

Ўзбек популяциясига мансуб шахсларда алопециянинг оғир шакллари ривожланишини ва кечишини башоратлаш мақсадида ўсиш омиллари кўрсаткичларининг ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

чандиксиз алопецияда анъанавий даволаш фонида гиалурон кислота таъсирида фаоллаштирилган тромбоцитлар ва фибрин билан бойитилган плазмани дерма ичига киритиш усулининг қўлланилиши касаллик рецедивини камайтириши, даволаш самарадорлигини ошириши ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти алопециянинг чандиксиз шакллари молекуляр-генетик омилларини аниқлаш, ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш асосида республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратгани билан изоҳланади. Шунингдек, алопециянинг чандиксиз шаклларида аниқланган тромбоцитлар ўсиши омили, фибробластлар ўсиши омили, апоптоз омили ва уларни бошқарувчи генлар

полиморфизми, улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чандиқсиз алопецияда соч фолликуласининг биологик фаол регулятор молекулаларини аниқлаш асосида янги даволаш усули ишлаб чиқилгани билан изоҳланади. Жорий қилинган патогенетик асосланган даволаш усули алопеция оғир шакллари ривожланишининг олдини олиш, касаллик рецедивини камайтириш, даволаш самарадорлигини ошириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молекуляр-генетик омилларни аниқлаш асосида алопециянинг чандиқсиз шакллари ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

чандиқсиз алопециянинг этиологияси, ташхиси, клиникаси, даволаш ва профилактикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Алопеция: клиника, ташхислаш ва даволаш» (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 12 декабрдаги 8Н-п/344-сон маълумотномаси) ҳамда «Чандиқсиз алопециянинг ташхислаш ва даволаш алгоритми» мавзусидаги услубий қўлланмалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 09 февралдаги 8Н-з/16-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланмалар аҳоли орасида чандиқсиз алопеция натижасида соч тўкилишининг сабабларни аниқлаш, касалликнинг олдини олиш, ташхислаш ва даволаш имконини яратди;

Ўзбек миллатига мансуб шахсларда алопеция натижасида соч тўкилишининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент шаҳар 2-сон туманлараро тери-таносил диспансери ҳамда Самарқанд вилоят тери-таносил диспансери амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 20 сентябрдаги 8Н-Р/138-сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар бирламчи бўғин шифокорлари томонидан алопециянинг турли шакллари эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштиришда кенг фойдаланилмоқда. Ишлаб чиқилган даво-ташхисот тадбирлари алопециянинг чандиқсиз шакллари даволаш натижаларини яхшилаш, беморларнинг стационарда бўлиш вақтини қисқартириш, ремиссия даврини 2-3 марта узайтириш имконини беради. Тадбиқ этилган даволаш усули анъанавий усулга нисбатан даволаш самарадорлигини оширишга, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, соч илдизини мустаҳкамлаб, тўкилишини тўхтатишга, бир йилда давлат бюджет маблағларидан 82,6 млн. сўмни тежаш орқали дори воситаларига эҳтиёжни камайтиришга имкон яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти тита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 192 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Алопециянинг чандиксиз шакллари этиопатогенези, молекуляр-генетик омиллари ва даволаш усулларининг замонавий таҳлили»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган, бунда алопециянинг чандиксиз шакллари ташхислаш ва даволашнинг эпидемиологияси ва клиник кечиши ҳақидаги маълумотлар кенг ёритилган. Молекуляр-генетик омилларни ўрганиш асосида алопециянинг чандиксиз шакллари ташхислаш ва даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқишга қаратилган профилактиканинг долзарб муаммолари ўз аксини топган. Шунингдек, касалликнинг аҳамиятга молик бўлган тиббий-ижтимоий қирралари, соч фолликули циклини бошқарувчи биологик молекулалар тадқиқи, аниқланган бузилишларни ҳисобга олган ҳолда терапияга турли ёндашувлар таҳлил этилган.

Диссертациянинг **«Алопециянинг чандиксиз шаклларининг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида касалликнинг клиник шакллари таснифи ва иммунофермент, молекуляр-генетик, диагностик ва морфологик каби тадқиқот усулларини ўз ичига олган тадқиқот материаллари келтирилган.

Чандиксиз алопециянинг турли шаклларига чалинган РИД ва ВИАТМ клиникасида стационар ва амбулатор даволанишдаги 14 ёшдан 50 ёшгача бўлган 316 нафар бемор кузатув остида бўлди. Уларнинг ичида эркаклар 166 нафарни (52,5%), аёллар 150 нафарни (47,5%) ташкил этди. Ўсмир ва ўрта ёшдаги (14 ёшдан 25 ёшгача) беморлар 112 нафар (35,4%), балоғат ёшидагилар (26 дан 35 ёшгача) 129 нафар (40,8%), 36 дан 50 ёшгача 75 нафар (23,8%) бўлди. Улар орасида ўчоқли алопецияга чалинган беморлар 155 нафар (49,1%), андроген апопециялилар 161 нафар (50,9%)ни ташкил қилди. Беморларнинг аксарияти ўчоқли алопециянинг локал шаклига чалинганлар

бўлиб, улар орасида ўчоғли шаклли беморлар 56 нафар (36,2%), кўпўчоғли 46 (29,7%), тасмасимон шаклга чалинганлар 3 нафар (1,9%)ни ташкил этган. 25 нафар (16,1%)ўчоғли алопециянинг субтотал шаклига чалинган беморлар қайд этилган. Касалликнинг тотал шаклига чалинган беморлар 7 нафар (4,5%), универсал шаклига чалинганлар 18 нафар (11,6%). Беморларнинг аксарияти ўчоғли алопеция касалига чалинганига 1 йил (43,8%) ва 1 йилдан 5 йилгача бўлган (38,7%). Касалликнинг бундан узоқроқ муддатлари беморларларнинг 1/5 қисмида кузатилган (17,5%). Ўчоғли алопецияли беморлар орасида ёндош патология турли даражадаги диффуз бўқоқ кўринишида (51%), темир танқислиги анемияси (32,9%), ошқозон-ичак тракти касалликлари кўринишида (27,7%) намоён бўлган.

Андроген соч тўкилиши кузатилган беморлар орасида эркаклар 129 нафар (80,1%), аёллар 32 (19,9%) нафар бўлган. Норвурд-Гамильтон таснифига мувофиқ, андроген алопециянинг III даражаси эркакларнинг 55 нафарида (42,6%); III–IV даражаси 41 нафарида (31,8%); IV–V даражаси 33 нафарида (25,6%) кузатилган. Аёлларнинг кўпчилиги қисмида касалликнинг Людвиг бўйича II–III даражаси (73,7%) ва I даражаси (26,3%) кузатилган. Эркакларда соч тўкилиши бошланишини кўзгатувчи омил 39% ҳолларда стресс, 18,3% да ЛОР органлари инфекциялари (сурункалик тонзиллит, гайморит, аллергик ринит), 11,5% да операциялардаги умумий наркоз бўлган. 31,2% ҳолатда беморлар алопеция пайдо бўлишининг сабабини айтиб бера олмаган. Аёлларда касалликни кўзгатувган омиллар сифатида: туғишдан кейинги давр (29,4%), ўсмирлик даври (16,7%), климакс даври (37,5%), стресс(16,4%) қайд этилган.

Аниқ ташхис қўйиш мақсадида алопециянинг чандиксиз шаклларига чалинган 247 нафар (78,2%) беморда X60 ва X200 линзали Aramo-SG видеокамера (Корея) ва Trichoscience диагностика дастури ёрдамида бошнинг сочли қисми терисининг видеотрихоскопик тадқиқоти ўтказилган. Алопециянинг чандиксиз шакллари бўлган беморлар қонида биологик молекулалар: ўсиши омиллари, апоптоз омиллари, хужайрадан ташқари матрикс ва тирозинкиназ рецепторлар молекулаларини текшириш автоматлаштирилган иммунофермент услубида, «Humareader Single» аппаратида ўтказилган. Ўсиш омиллари – bFGF ва PDGF, апоптоз омиллари – FasL, тирозинкиназ рецепторлар – ERBB, хужайрадан ташқари матрикс молекулалари – TIMP1 аниқланди. Таҳлиллар натижалари 450 нм тўлқин узунлигида спектрофотометрик ҳисобга олинган. Ўлчовларни реакция тўхтаганидан кейин дарҳол ўтказилган.

Алопециянинг чандиксиз шакллари билан касалланган беморларда ПЗР услуби билан тромбоцитлар ўсиш омиллари ва апоптоз омиллини бошқарувчи генлар тадқиқи V алопециянинг чандиксиз шакллари бор беморлар ва 35 нафар шартли соғлом донорлар (назорат гуруҳи)нинг EGF гени G(-634) C ва G(-1154) A полиморфизми ва TNF- α гени -308G>A полиморфизмининг молекуляр-генетик тадқиқоти натижаларини ўрганишга асосланган.

Алопециянинг чандиксиз шакллари бўлган беморларда бошнинг сочли қисми терисининг даволашдан олдин ва кейинги морфологик ўрганилиши «Leits» ёруғлик микроскопи ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш икки босқичда амалга оширилди: статистик таҳлилга тайёргарлик; Pentium-IV шахсий компютерида, ички статистик қайта ишлаш функцияларидан фойдаланган ҳолда Microsoft Office Excel-2012 дастурлар пакети ёрдамида бевосита статистик таҳлил. Ўрганилаётган кўрсаткич ўртача арифметикаси (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача стандарт хато (m), нисбий қийматлари (частота, %) ҳисобга олинган ҳолда вариациявий параметрик ва нопараметрик статистика услублари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг ўртача қийматлари солиштирилгандаги статистик қиймати Стъудент мезони бўйича аниқланди (t), бунда тақсимлаш меъёрдалигини (эксцесс мезони бўйича) ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)ни текширишда хато эҳтимолини ҳисоблаб чиқиш (P) ҳам амалга оширилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида $P < 0,05$ аниқлик даражаси қабул қилинди. Сифат қийматлари учун статистик ўлчам χ^2 мезонлари (хи-квадрат) ва z - мезонлари ёрдамида ҳисоблаб чиқилган (Гланц С., 1998; Авива П., Кэролайн С., 2009). Шунингдек, «OpenEpi 2009, Version 2.3», Кендаллнинг корреляция коэффиценти статистик дастурлар пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Чандиксиз алопециянинг турли шаклларида видеотрихоскопиянинг тавсифи**» деб номланган учинчи бобида 316 нафар беморнинг 247 (78,2%) нафарида бошнинг сочли қисми терисининг видеотрихоскопик текшируви ўтказилган. Алопециянинг чандиксиз шаклига чалинган 247 нафар бемордан 94 (38,1%) нафарида ўчоқли алопеция, 153 нафарида (61,9%) андроген алопеция кузатилган. Ташхис натижалари кўрсатишича, ўчоқли алопецияли пациентларда касалик оғирлашгани сари бошнинг бутун сочли қисми юзасида сочларнинг камайиши кучайганлиги, сочларнинг анаген ва телоген босқичларида иккинчисининг фойдасига фазалар нисбатининг бузилиши кузатилган, булар касалликнинг прогрессив босқичига далолат қилади. Алопеция ўчоғларида катта миқдордаги 91,2% дан 4,1% гача «сарик нуқталар» (бўш соч фолликуллари), 8,8% дан 95,9%, гача «оқ нуқталар» кузатилган. Пациентларда алопеция ўчоғларида ундов белгиси 76,5% дан 3,4% гача патологик сочлар ва “кадаверизирланган сочлар” кўринишида кузатилган, улар касалликнинг кучайишини тасдиқлаган. Алопециянинг оғир шаклларида (умумий ва универсал) кўплаб атрофик соч фолликуллари кузатилган. Эркак беморларда андроген алопецияда анаген ва телоген фазаларини ўрганиш анаген фазасида сочлар миқдорининг юқори аниқликда камайишини ва телоген босқичда бошнинг тепа қисмида сочлар миқдорининг ортишини кўрсатди, ҳолбуки, энса соҳасида ўсиш ва ҳаракатсизлик фазалари нисбати III даражада аниқ бўлмаган ҳамда III-IV ва IV-V босқичларда аниқ камайган. Андроген алопецияли аёл пациентларда ҳам касаллик

оғирлашганига параллель равишда бошнинг тепа қисмида сочлар зичлигининг аниқ камайиши кузатилган, бироқ, эркакларда худди шундай соч тўкилишидан фарқли ўлароқ, аёлларда энса соҳасида ҳам сочнинг диффуз сийраклашуви кузатилди. Бу сочлар зичлигининг аниқ камайиши бўлди. Алопециянинг бундай турига бош тепа қисмида сочлар ўзагининг яққол ингичкалашуви (полиморфизм) характерли бўлади, у ингичка сочларнинг 34,1% дан 73,2% гача етади, 11,4% дан 63,5% гача «сарик нуқталар» (бўш соч фолликуллари) миқдори камайиши, «оқ нуқталар» 13,9% дан 88,6% гача миқдори узайиб бормоқда. Кўплаб бўш соч фолликуллари «сарик нуқталар», шунингдек яккам юнитлар кўринишида бўлади. Соч фолликуллари визуализация қилишнинг ишончли усули сифатида видеотрихоскопик текшируви гистологик текширувига му тоқобил бўлиши мумкин. Видеотрихоскопик текшируви нафақат алопеция шакллари ташхислашда, балки турли терапевтик воситалар ва косметик махсулотларнинг баҳолаш учун кенг қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг «Алопецияларнинг чандиксиз шаклларига чалинган беморларда биологик молекулаларни – ўсиши омили, апоптоз омили, тирозинкиназа рецепторлари ва матриксли металлопротеиназа ингибиторларини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобида алопециянинг андроген шаклига чалинган 154 нафар беморда фибробластлар ўсиш омили ва ўсишнинг тромбоцитар омили концентрацияси ўрганилди. Бунда фибробластлар ўсиш омилининг аниқ пасайиши ва ўсишнинг тромбоцитар омилининг пасайиш тенденцияни кўрсатди. Чунончи, андроген алопецияли эркакларда bFGF концентрацияси: III босқичда $162 \pm 7,03$ pg/ml ($P < 0,001$), III–IV босқичда $159,6 \pm 10,14$ pg/ml ($P < 0,001$), IV–V босқичда $127 \pm 8,24$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди. III босқичда беморлар қонидаги PDGF концентрацияси $0,20 \pm 0,11$ pg/ml, III–IV босқичда $0,19 \pm 0,18$ pg/ml, IV–V босқичда $0,11 \pm 0,09$ pg/ml, яъни андроген алопецияли эркак беморларда назорат гуруҳининг тегишли кўрсаткичларига нисбатан ўсишнинг тромбоцитар омили пасайиши тенденцияси $0,21 \pm 0,13$ pg/ml га тенг бўлди. Бундай ўзгаришлар андроген алопеция босқичи катталашувига параллель рўй беради, қолаверса, аёлларда уларнинг пасайиши яққолроқ намоён бўлади. II–III босқичдаги андроген алопецияли аёлларда bFGF концентрацияси $148,6 \pm 7,46$ pg/ml ($P < 0,001$)ни, I босқичда эса $161 \pm 9,02$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди, бу ҳам назорат гуруҳи кўрсаткичларидан (217 ± 12 pg/ml) аниқ тарзда паст бўлиб, соч фолликуллари хужайраларидаги пролифератив жараёнлар камайишини исботлайди. Шу билан бир қаторда ўсиш тромбоцитар омилининг сезиларли бўлмаган пасайиши қайд этилиб, II –III босқич андроген алопецияли беморларда $0,17 \pm 0,08$ pg/ml, I босқичда $0,19 \pm 0,03$ pg/ml, назорат гуруҳдаги беморларда эса $0,21 \pm 0,13$ pg/ml бўлди.

Андроген алопецияли беморлар қонида фибробластлар ўсиш омилининг концентрацияси ўчоқли алопециядаги шундай кўрсаткичларга қараганда анча юқоридир. Ўчоқли алопецияли беморларда кузатиладиган фибробластлар

Ўсиш омили концентрациясининг аниқ пасайиши ва ўсиш тромбоцитар омилининг пасайиши тенденцияси соч илдизи хужайраларининг митотик фаоллиги пасайишини исботлайди ҳамда касаллик оғирлиги ортгани сари митознинг бундай пасайиши ва хужайраларнинг пролифериациялари яққолроқ кузатилади. Чунончи, ўчоқли алопециянинг фокал ва полифокал шаклларида чалинган беморларда PDGF $0,08 \pm 0,09$ pg/ml, субтотал ва тотал шаклларда $0,06 \pm 0,03$ pg/ml, универсал шаклда $0,021 \pm 0,01$ pg/mlни, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $0,21 \pm 0,13$ pg/ml ни ташкил этди.

Алопециянинг чандиқсиз шаклларида чалинган беморларда дермал ғуддачадаги пролифератив жараёнларнинг секинлашуви ва соч фолликулининг телоген босқичига ўтишини беморлар қонидаги апоптоз омили (FasL) тадқиқотлари тасдиқлайди. Чунончи, ўчоқли алопецияли беморларда юқори аниқ апоптоз омили кўтарилиши кузатилган, касалликнинг оғирлиги ортгани сари бу кўрсаткич камая борган. Апоптоз омили (FasL) ўчоқли алопециянинг чекланган шаклида $2,97 \pm 0,32$ pg/ml ($P < 0,001$), тотал ва субтотал шаклларда $2,42 \pm 0,16$ pg/ml ($P < 0,001$), универсал шаклда $0,9 \pm 0,19$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил этган, назорат гуруҳида эса апоптоз омили (FasL) $0,036 \pm 0,01$ pg/ml бўлган. III–IV ва IV–V босқичлардаги андроген алопецияда назорат гуруҳининг ($0,036 \pm 0,01$ pg/ml) кўрсаткичларига нисбатан FasLнинг ортиши кузатилган ($0,026 \pm 0,083$ pg/ml ($P < 0,05$) ва $0,38 \pm 0,014$ pg/ml ($P < 0,001$)). Бироқ III босқич андроген алопецияда бу кўрсаткичнинг ортиши тенденцияси $0,04 \pm 0,005$ pg/ml тарзда кузатилган. I босқич андроген алопецияли аёл беморларда апоптоз омили ортиши тенденцияси $0,047 \pm 0,005$ pg/ml эканлиги қайд этилди, II, III босқичли аёлларда эса назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан $0,26 \pm 0,081$ pg/ml ($P < 0,001$) тарзда ортиши кузатилди. Ўчоқли алопецияли беморларда апоптоз кўрсаткичининг бундай юқори эканлиги ушбу касалликда соч фолликулларининг аутоиммун зарарланиши билан изоҳланади ва иммунносупрессив агент бўлмиш FasLнинг яққол концентрацияси билан тасдиқланади. Сочларнинг андроген тўкилишида апоптоз кўрсаткичлари ошади ва бу ошиш патологик жараённинг оғирлиги билан мувофиқлашади, бу соч фолликули илдизига дегидротестостероннинг ингибитловчи таъсири натижасида соч фолликулининг қисқарган анаген фазаси билан изоҳланади.

Алопециянинг чандиқсиз шаклига чалинган беморларда тирозинкиназ фаолликка эга рецепторларнинг концентрациясини (ERBB) ўрганиш уларнинг пасайишини кўрсатди. Чунончи, ўчоқли алопециянинг чекланган шаклида ERBB концентрацияси $0,018 \pm 0,007$ pg/ml ($P < 0,01$), кенг тарқалган шаклида $0,011 \pm 0,009$ pg/ml ($P < 0,001$), универсал шаклида $0,007 \pm 0,001$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $0,04 \pm 0,002$ pg/mlга тенг бўлди. Эркакларда андроген алопецияда ҳам ERBB фаоллигининг назорат гуруҳидагига нисбатан аниқ пасайиши кузатилди ва у III босқичда $0,036 \pm 0,0016$ pg/ml ($P < 0,05$), III–IV босқичда $0,007 \pm 0,0019$ pg/ml ($P < 0,001$) ва IV–V босқичда $0,0052 \pm 0,003$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди. Аёлларда андроген алопецияда тирозинкиназ рецепторлар

фаоллигининг аниқ камайиши кузатилди ва у I босқичда $0,013 \pm 0,008$ pg/ml ($P < 0,01$), II–III босқичда $0,009 \pm 0,003$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди.


Чандиксиз алопеция шаклига чалинган беморларда матриксли металлопротеиназ ингибиторлари концентрациясини (TIMP1) ўрганиш унинг кўрсаткичи назорат гуруҳи кўрсаткичидан аниқ камайганлигини кўрсатди, бу касалликнинг оғирроқ босқичларида яққолроқ кўринади. Чунончи, ўчоқли алопециянинг фокал ва полифокал шаклига чалинган беморларда TIMP1 концентрацияси $2,4 \pm 0,12$ pg/ml ($P < 0,001$)ни, субтоталь ва тотал шаклига чалинганларда $0,9 \pm 0,05$ pg/ml ($P < 0,001$) ва универсал шаклига чалинганларда $0,7 \pm 0,06$ pg/ml ($P < 0,001$)ни ташкил қилди. Эркак беморларда ҳам андроген алопецияда TIMP1 кўрсаткичи: III босқичда $2,01 \pm 0,18$ pg/ml ($P < 0,001$), III–IV босқичда $1,49 \pm 0,022$ pg/ml ($P < 0,001$), IV–V босқичда $0,88 \pm 0,054$ pg/ml ($P < 0,001$)га пасайди. Андроген алопецияли аёл беморларда қондаги TIMP1 концентрациясининг аниқ камайиши кузатилди: I босқичда $3,04 \pm 0,16$ pg/ml ($P < 0,01$), II–III босқичда эса $1,76 \pm 0,084$ pg/ml ($P < 0,001$). Матриксли металлопротеиназ ингибиторларнинг бундай қуйи кўрсаткичлари матриксли металлопротеиназ фаоллигининг ортишига олиб келади, улар соч фолликуллари атрофидаги хужайра ташқарисидаги матрикснинг боғловчи тўқималарини бузади ва соч фолликулларининг боғловчи тўқима фибробластларидан иборат ғуддачаларининг яшаши учун нохуш атмосфера юзага келтиради.

Диссертациянинг «**Чандиксиз шаклдаги алопецияли пациентларда ўсиши омили ва апоптоз омилини бошқарувчи генларнинг молекуляр-генетик таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида Ўзбекистонда биринчи мартда VEGF генининг G(-634)C ва G(-1154)A ҳамда TNF- α генининг 308G>A полиморфизмларини реал вақтда, ПЗР асосида тестдан ўтказишнинг хорижий аналогларидан қолишмайдиган услуби модификацияланди ва апробациядан ўтказилди. Алопецияга чалинган беморлар гуруҳида VEGF генининг G(-634)C ва G(-1154)A полиморфизмлари мунтант аллеллари частотаси тегишлича 8,8% ва 6,0%ни ташкил қилди, бунда назорат гуруҳида ушбу кўрсаткичлар бор йўғи 1,7%га тенг бўлди.


Алопецияга чалинган гуруҳда G(-1154)A мавқеида VEGF мутация гетерозигот генотиби, учраш частотаси 11,8% (2/17)га тенг ҳолда аниқланди. Назорат танловида А мутант аллелини ташувчи шахслар 3,3% (1/30)ни ташкил қилди, дастлаб ҳисоблаб чиқилган имкониятлар мутаносиблиги коэффициентига мувофиқ алопецияга чалинган беморларда ангиогенез бузилиши ривожланиши эҳтимоли назорат гуруҳидагига қараганда $\chi^2=1,2$ ва $P=0,2$ даражасида 3,5 баробар юқори бўлди (OR=3,9, 95% CI 0,3238, 46,17). VEGF гени G(-634)C ва G(-1154)A полиморфизмлари SP=0,97 кўрсаткичларининг ўзига хослигининг юқори даражаси ва тегишлича, Se=0,18 ва 0,12 кўрсаткичларининг жуда паст сезгирлик даражаси (Сетомонга кучли оғиш) оқибати ўлароқ, ўзбек популяциясида иккала маркернинг касаллик ривожланиши хавфидаги мустақил самарасини тасдиқлаб бўлмайди.

Ўчоқли алопецияли беморларда TNF- α гени 308G>A полиморфизми аллель ва генотиплари частотасининг қиёсий таҳлилида аниқ равишда кўпроқ G/A гетерозиготли генотип учради (32,1 қарши 8,6; $\chi^2=5,6$; P=0,018; OR=5,05; 95% CI=1,216-21), соғлом назорат гуруҳида эса G/G гомозигот генотипи учради. Ушбу полиморф маркер аллель ва генотипларининг гуруҳлараро тақсимланиши ўрганилганда алопецияга чалинганлар гуруҳида А аллели ҳамда G/A ва A/A генотипларининг учраш частотаси ошиши, шу билан бир вақтда, соғлом назорат гуруҳига қараганда G аллели ва G/G генотипининг улуши камайиши қайд этилди. А ва G аллелларининг учраш частотаси алопецияга чалинган беморлар гуруҳида 80,4% ва 19,6%, назорат гуруҳида 92,9% ва 7,1% бўлди. G/G, G/A ва A/A генотиплари частотаси қуйидагича бўлди: алопецияга чалинган беморлар гуруҳида 64,3%, 32,1% ва 3,6% ҳамданазорат гуруҳида 88,6%, 8,6% ва 2,9%. Иккала гуруҳда G аллелининг TNF- α маркерига эгаллиги қайд этилди (G-308A). Бу фарқланишлар статистик аниқ характерга эга бўлиб, TNF- α гени G-308A полиморфизмининг алопеция ривожланиши билан ассоциацияланувига далолат қилади. Бунда А аллелининг ва G/A гетерозигот генотипининг ташувчанлиги касаллик ривожланиши хавфи ортиши билан аниқ боғлиқдир ($\chi^2=4,4$; P=0,036; OR=3,2; 95% CI=1,033, 9,772 ва $\chi^2=5,6$; P=0,018; OR=5,05; 95%CI=1,216-21). G аллели ва G/Gгенотип, аксинча, протектив маркер ҳисобланади.

Ўрганилаётган генотиплар орасида боғлиқликликни аниқлаш мақсадида ўсиш фактори ва апоптози FGF, PDGF, FAS орасида корреляцион анализ қилинди ва қизиқарли маълумотлар олинди. Ўчоқли алопецияли беморларда фибробластлар ўсиш фактори ва эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори генотиплари FGF генотипи билан GA полиморфизми G(-1154)A ген VEGF билан манфий корреляциядалигини ҳамда ўчоқли алопеция ва андроген алопецияларда корреляцион тенденцияни кўрсатди. (1-расм).




1-расм. Ўчоқли алопецияли беморларда фибробластлар ўсиш фактори ва эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори орасидаги корреляцион анализ



2-расм. Тромбоцитлар ўсиш фактори, эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори орасидаги корреляцион анализ

Чандикланмайдиган алопециянинг иккала турида тромбоцитлар ўсиш фактори ва эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори орасидаги корреляцион анализ ҳам манфий, ҳам мусбат натижани кўрсатди. (2-расм).

Ўчоқли алопецияли беморларда эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори генотиплари орасидаги корреляцион анализ FASL апоптоз фактори аниқ маълумотларни кўрсатди (3-расм). Шундай қилиб, ўчоқли алопецияли беморларда ушбу фактор ва (GC) полиморфизми G(-634)C VEGF гени ўртасида ишончли ижобий корелляция кузатилади ҳамда (GG) полиморфизм G(-308)A TNF- α гени ўртасида салбий корелляция кузатилади. Чандиксиз алопециянинг иккала шаклларида ҳам қолган ўрганилган генлар полиморфизмларининг генотиплари эндотелиал ўсиш фактори ва ўсма некрози омиллари ҳамда FASLнинг корелляцияга нисбатан тенденцияси кузатилади. Кўринадики, VEGF генининг G(-634)C полиморфизми GC генотипини аниқлаш ўчоқли алопеция бўлган беморларда FASLнинг апоптози ошишидан далолат беради, бу соч фолликулалари циклини анаген фазадан телогенга ўтказди ва салбий кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичли шахслар алопециянинг янада оғир кечишига мойил. Аксинча, GG полиморфизми генотипи билан G(-308)A TNF- α генининг аниқланиши ўчоқли алопецияда ижобий кўрсаткич ҳисобланади ва FASL апоптози омили таъсирининг камайиши ва касалликнинг енгил кечишини англатади.



3-расм. Апоптоз фактори, эндотелиал ўсиш фактори ҳамда ўсма некрози фактори орасидаги корреляцион анализ

Диссертациянинг «**Чандиксиз алопецияга чалинган беморлар сочли бош қисми терисининг морфологик тавсифи**» деб номланган олтинчи бобида чандиксиз алопецияга чалинган беморларда ўтказилган морфологик тадқиқотлар ҳам соч фолликуляр аппарати тузилмасининг, ҳам улар атрофидаги бирлаштирувчи тўқима тузилмасининг сезиларли бузилишини кўрсатди. Ўчоқли алопецияда морфологик маълумотлар яллиғланиш реакцияси (соч фолликуллари атрофида яллиғланиш инфильтратлари мавжудлиги)нинг фаол босқичда репаратив ва кейинги босқичларда склетротик реакцияларга алмашинувини, бунда склероз ва фиброз шаклланишини акс эттирди. Андроген алопецияда соч фолликуллари фолликуляр миниатюризацияси жараёни компенсатор-мослашувчан қайта тузилиш билан бирга кечди ва терининг асосий тўқимавий таркиби – фибрознинг физиологик гипертрофиясида, ёғ боғловчи тўқимасининг эгалланиши, коллагеннинг нозик фибрилларининг йўғонлари билан алмашиши, ёғ безларининг юқори концентрациялануви, веноз томирлар катталашуви ҳисобига қон ташувчи ўзан катталашувидан иборат бўлди. Бундай қайта тузилиш терининг ҳимоя хусусиятларини сақлаб қолиш, тадқиқотдан олинган натижалар фундаментал тиббиётнинг чандиксиз алопеция шакллари патогенези механизми, жумладан, ўсиш омиллари молекулалари ва апоптоздан иборат истиқболлари асосини ташкил қилади.

Диссертациянинг «**Чандиксиз шаклдаги алопецияга чалинган пациентларда тромбоцитлар билан бойитилган фаоллаштирилган плазма билан даволаш самарадорлиги ва ўтказилган даволаш жараёнида биологик молекулалар динамикаси**» деб номланган еттинчи бобида чандиксиз алопецияда, тасдиқланган «Дерматовенерология ва тиббий

косметикада ташхис ва даволаш стандартлари»га мувофик ангиопротекторлар препаратлари, В гуруҳи витаминлари, микроэлементлар, биостимуляторлар, антиоксидатларни ўз ичиига олган анъанавий терапия фонида, тромбоцитлар билан бойитилган плазма билан даволашнинг янги патогенетик асосланган услубининг ижобий таъсири исботланди. Чандиксиз шаклдаги алопецияга чалинган барча беморлар икки гуруҳга бўлинди. Алопецияга чалинганларнинг биринчи гуруҳи (n=164) анъанавий терапия олдилар, иккинчи гуруҳ беморлар (n=112) анъанавий терапия фонида соч тўкилиши ўчоқларига дерма ичига «Plazmolifting» гепаринли стерил вакуум пробиркалари ёрдамида ажратилган тромбоцитлар билан бойитилган плазмани қабул қилдилар. 20 нафар бемор анъанавий терапия фонида соч тўкилиши ўчоқларига стерил вакуум пробиркалар ёрдамида ажратилган тромбоцитлар билан бойитилган плазмани гепаринсиз қабул қилдилар. Чунончи, андроген алопецияли беморларда анъанавий терапия ўтказилганда тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $20,5 \pm 0,2$ кунида, туклар ўсиши $26,7 \pm 0,14$ кунида, терминал сочлар ўсиши $39,6 \pm 1,8$ кунида, сочлар асосининг ортиши 1,2% миқдорида кузатилди (1-жадвал). Ўчоқли алопецияли беморларда тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $18,6 \pm 0,14$ кунида, туклар ўсиши $22,3 \pm 1,15$ кунида, терминал сочлар ўсиши $31,7 \pm 1,41$ кунида кузатилди. 2-гуруҳнинг 1-қуйигуруҳи беморларида «Plazmolifting» пробиркаларини қўллаган ҳолда патогенетик терапия ўтказилганда тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $17,2 \pm 0,09$ ($p < 0,001$) кунида, туклар ўсиши $18,5 \pm 0,7$ ($p < 0,001$) кунида, терминал сочлар ўсиши $26,3 \pm 1,3$ ($p < 0,01$) кунида сочлар асосининг ортиши 3,3% миқдорида кузатилди. Ушбу гуруҳдаги беморларда ўчоқли алопецияда соч ўсиш динамикаси натижалари қуйидагича бўлди: тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $12,4 \pm 1,5$ ($p < 0,001$) куни, туклар ўсиши $16,2 \pm 0,93$ ($p < 0,01$) куни, терминал сочлар ўсиши $21,1 \pm 1,09$ ($p < 0,001$) кунида кузатилди. 2-гуруҳнинг 2-қуйи гуруҳидаги андроген алопецияли беморларда вакуумли пробиркаларни антикоагулянтсиз қўллаш асосидаги патогенетик терапия ўтказилишида тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $13,8 \pm 1,17$ ($p < 0,001$) куни, туклар ўсиши $15,4 \pm 1,26$ ($p < 0,001$) куни, терминал сочлар ўсиши $19,1 \pm 2,01$ ($p < 0,01$) кунида кузатилди ва, энг муҳими, сочлар диаметри 6,4%га ортиши кузатилди. Ўчоқли алопецияли беморларда тўкилган сочлар миқдори камайиши даволашнинг $9,6 \pm 1,38$ ($p < 0,001$) кунида, туклар ўсиши $13,5 \pm 1,07$ ($p < 0,01$) кунида, терминал сочлар ўсиши $16,2 \pm 1,15$ ($p < 0,001$) кунида кузатилди. Энг юқори натижалар беморларнинг 2-гуруҳнинг 2-қуйи гуруҳида кузатилди, улар антикоагулянтсиз вакуум пробирка ёрдамида олинган, фибринли ТБП билан ўтказилган патогенетик терапия қабул қилишган.

1-жадвал

Чандикланмайдиган алопецияни даволаш натижалари

Симптомлар	1 гуруҳ беморлар (анъанавий терапия) (n=164), суткалар		2 гуруҳ беморлар(анъанавий терапия + ОТП)			
			антикоагулянтли (гепарин) «Plazmolifting» пробиркаси билан(n=112), суткалар (1-қуйи гуруҳ)		антикоагулянтсиз ва актив фибрин билан ва гиалурон кислотаси билан(n=20), суткалар (2-қуйи гуруҳ)	
	андрог. алопеци я	ўчоқли алопеци я	андрог. алопеция	ўчоқли алопеция	андрог. алопеция	ўчоқли алопеция
соч тўкилишини нг камайиши	20,5±0,2	18,6±0,1 4	17,2±0,09* **	12,4±1,5 ***	13,8±1,17* **	9,6±1,38 ***
нозик сочларнинг ўсиши	26,7±0,1 4	22,3±1,1 5	18,5±0,7 ***	16,2±0,93* *	15,4±1,26* **	13,5±1,07 **
терминал сочларнингў сиши	39,6±1,8	31,7±1,4 1	26,3±1,3 **	21,1±1,09* **	19,1±2,01* *	16,2±1,15 ***
соч толасининг калинлашув и	1,2%га	-	3,3% га	-	6,4% га	-


Эслатма: * –назорат гуруҳдаги турли маълумотлар миқдори (**– p<0,01, *** – p<0,001)

Тадқиқот гуруҳларида ўтказилган терапиянинг самарадорлигини баҳолаш қуйидаги асосий критерийлар асосида ўтказилди:

ўчоқларда сочларнинг тўлик ўсиши– клиник соғайиш;
ўчоқларда сочларнинг кўп миқдорда ўсиши (50%–70%)– сезиларли яхшиланиш;
ўчоқларда сочларнинг ўртача ўсиши (25%–50%) – яхшиланиш;
соч ўсиши кузатилмади – ўзгаришсиз;
янги соч тўкилиши ўчоқларининг пайдо бўлиши ва эски ўчоқларда соч ўсишининг кузатилмаганлиги – ёмонлашиш.

Хусусан, 30% беморда клиник соғломлашув, 35%да сезиларли яхшиланиш, 25% да яхшиланиш кузатилди, 2% ўзгаришсиз қолди. 2-гуруҳ беморларида кўрсаткичлар бундан пастроқ бўлди: 25,9% беморда клиник соғайиш кузатилди, 39,4% да сезиларли яхшиланиш, 20,2%да яхшиланиш, 12,6%да патологик жараён ўзгаришсиз қолди, 1,9%да касаллик кучайди. Анъанавий терапия ўтказилиши энг паст самарадорлик кўрсаткичларини намоён этди. Чунончи, 16,8% беморда клиник соғайиш кузатилди, 19,6%

